

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 ноябрь, № 218 (4628) Шанба

# БОШ МАҚСАД — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

## Тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар ана шундай эзгу ниятга йўналтирилган

***Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсон, унинг манфаатларига хизмат қилишдир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу эзгу ва хайрли ишлар миллатни янада соғломлаштириш ғоясининг асосини ташкил қилади. Зеро, юртимиз тиббиёт тизимида босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб келинаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, миллатимизнинг янада соғлом бўлишидек улуғвор мақсадларга йўналтирилган.***

***Яширишнинг ҳожати йўқ, авваллари қишлоқларимизда мунғайибгина турадиган эски шифохоналарни кўравериб кўзимиз ўрганиб кетган эди. У пайтларда тиббиёт ходимининг ҳозиргидек замонавий шарт-шароитларда, эътибору имтиёз ва имкониятдан баҳраманд ҳолда илҳомланиб ишлаши қаёқда эди, дейсиз.***



**Эртага — Тиббиёт ходимлари куни**

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини тубдан юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг янада чуқурлашувига, шифокор меҳнати қадр топишига олиб келди. Бугун биз чексиз фахр билан айтишимиз мумкинки, тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ушбу стратегик аҳамиятли ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилгани ҳавас қилса арзигулик муваффақиятларга эришишимизни таъминлади.

Бинобарин, бирламчи тиббий хизмат тизимини тубдан яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда соҳада янги — шошилинч тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Шаҳару қишлоқларда бир-биридан кўркам, гўзал, замонавий даволаш муассасалари ва тиббий марказлар қад ростлади. Очиғи, энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик ишини ҳам амалга ошириш имконини берувчи бундай муассасаларда фаолият кўрсатиш ҳар бир шифокорга ғурур бағишлаши тайин.

(Давоми 2-бетда).

# БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ — САМАРҚАНДДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига келди.***

Болгария Президенти Самарқанднинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини томоша қилди. Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонаси билан танишди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг яратилиш тарихи, Мовароуннаҳрда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожи ҳақида маълумот берилди. Г. Парванов Сиёб деҳқон бозорида ҳам бўлди. Миллий ҳунармандлик буюмлари ва санъат асарларини кўздан кечирди.

Болгария раҳбари мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда, унинг тарихий шаҳарлари, жумладан, Самарқандда амалга оширилган тиклаш, таъмирлаш ва қуриш, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди.

Шу куни Самарқанд ва Пловдив шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу жараёнда иқтисодиёт ривожининг муҳим шартларидан бири бўлган монополизм кўринишларига қарши кураш ва рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.***

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсат туфайли сўнгги ўн йил мобайнида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулотлар тури эса 26 баробар қисқарди. 2004-2007 йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

Тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш туфайли тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари сони ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошгани бу фикрнинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида мамлакатимиз ички бозорида рақобат муҳитини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Мазкур қўмита раиси ўринбосари А.Абдурашидов юртимизда монополист ва табиий монопол бўлган корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга доир қонунчилик асослари яратилганини алоҳида

(Давоми 2-бетда).

# ТЕЖАМКОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

***Президентимизнинг шу йил 29 майда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

**Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа**

Вилоят «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан мавсумга тайёргарлик юзасидан 1,6 километр масофадаги иссиқлик тармоғи капитал, 3,7 километри эса жорий таъмирланди. Шунингдек, икки қозонхонада мукаммал ва еттитасида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Жамият бошқаруви раиси Баҳодир Неъматовнинг айтишича, бу йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида Самарқанд шаҳридаги ҳар бир марказий қозонхонага ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Улар ёрдамида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини қишда узлуксиз равишда иссиқлик билан таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, бошқа турдаги ёнилғи маҳсулотлари захираси ҳам яратилган.

Ушбу жамиятда ҳам аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг дебитор қарздорлиги муаммо бўлиб қолмоқда. Албатта, уни ҳал этиш юзасидан жамият томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Зарур бўлганда мутасадди идоралар билан бирга тегишли чоралар қўлланилмоқда.

«Самарқанд электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан фойдаланилган электр энергияси ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги бир қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режасининг муҳим талаблари, хусусан, белгиланган ҳаво ва кабель тармоқлари, трансформаторлар мукаммал таъмирланиб, жойларда электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган, замонавий техника воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилаётир.

(Давоми 2-бетда).

**Менинг Конституциям**

***Истиқлол йилларида мамлакатимиз меҳнат қонунчилиги тубдан янгиланди. Бозор иқтисодиётида ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилашга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Буни Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган меъёрлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.***

# ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ НЕГИЗИ

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Мазкур ҳолат соҳага тегишли алоҳида қонунчилик билан ҳам тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 58-моддасида давлат ҳар бир кишига ишга жойлашиш ва бошқа меҳнат шароитларини яратиш имкониятини кафолатлайди.




Ҳар бир ходим меҳнат муҳофазаси ҳуқуқига эга. Меҳнат муҳофазаси деганда адолатли меҳнат шароитларида ишлашни, яъни инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика тадбирлари ва воситалари тизими тушунилади. Бу борада "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни катта аҳамиятга эга. Ушбу Қонунга биноан, мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар





***"Бухоро" халқаро аэропортида самолётлар учиш, қўниш хавфсизлигини таъминлаш, ҳаво лайнерларининг тураржойи, тегишли йўлагини таъмирлаш мақсадида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.***

## Йўловчиларга қулайлик

■ "2-Вилоятжамоақурилиш" уюшмасининг "51-КМЖ" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари бу ерда 450 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширдилар. Айни пайтда, аэропорт мажмуаси янги биносини замонавий талаблар асосида барпо этиш мўлжалланмоқда. Мазкур мажмуа фойдаланишга топширилгач, терминалда соатига 350 йўловчига хизмат кўрсатиш имкони юзага келади. Сервис хизмати тармоқлари кенгайиб, қўшимча қулайликлар яратилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги академик лицей

***Фарғона шаҳрининг Тўқимачилар мавзеида академик лицей фойдаланишга топширилди.***

■ Янги ўқув даргоҳида илм истаган ёшлар учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, ўқув ва амалиёт хоналари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар, техника воситалари билан таъминланган. Ёпиқ спорт зали, ёзги майдончаларда эса нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун имкониятлар мавжуд.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўрмонлар – юрт бойлиги

***Жиззах вилоятидаги мавжуд 187 минг гектарга яқин ўрмонзорларнинг 500 гектарида бу йил янги кўчатзорлар барпо этиш режалаштирилганди.***

■ Унга кўра, Бахмал, Зомин, Фориш туманлари ўрмон хўжаликларида эрта баҳордаёқ 170 гектар майдонга ёнғоқ, бодом, терак, арча, ўрик каби ўнлаб турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шу кунларда вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасида меҳнат қилаётган 370 нафар ишчи-хизматчи 347 гектар майдондаги кўчатларга ишлов бериш ишларини жадал олиб боришаяпти.

Ўрмончилар дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиш, шифобахш гиёҳларни рухсатсиз йиғиш ҳолатлари бўйича жиддий назорат олиб боришлари натижасида ҳозиргача 37 та қонунбузарликка чек қўйилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикасида ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

## Ёш келса — ишга...

■ — Жорий йилнинг шу кунигача 69 жойда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди, — дейди "Камолот" ЁИҲнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи У. Асанов. — 4973 нафар ёш иш билан таъминланди. Бундан ташқари, бошланғич ташкилотларимиз ташаббуси билан мунтазам фаолият олиб бораётган 850 дан ортиқ клуб ва марказлар, спорт секциялари ҳамда тўгаракларга 25 минг нафардан зиёд ёш йигит-қиз жалб этилди.

Ёшларни ишга жойлаштириш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида Тўрткўл, Тахтакўпир, Мўйноқ туманлари ва Нукус шаҳрида "Ёшларнинг ижтимоий хизматлари маркази" ташкил этилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари тикиш, бичиш ва компьютер курсларида билим олмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Хоразмтелеком" минтақавий филиали ўз мижозларига алоқа хизматининг 32 та қўшимча турини йўлга қўйган.

## Алоқа хизмати яхшиланмоқда

■ Ҳозирда қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам ана шу алоқа хизматининг барча турларидан баҳраманд бўлмоқда.

Ўтган йили Урганч шаҳри, Урганч ва Хонқа туманларида Хитойнинг "ZTE" компанияси билан ҳамкорликда учта янги рақамли автомат телефон станцияси қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Айни кунларда Янгибозор, Янгиариқ, Боғот туманлари ҳамда Питнак шаҳарчасида тўртта янги автомат телефон станцияси қуриб битказилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАНДЛИК ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2008 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, мамлакатимизда хизматлар ва сервис соҳасида***



**188,2**

**мингта янги иш ўрни яратилди.**



Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида Бандлик дастури ижросини таъминлаш шундай натижага эришиш имконини берди.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Венесуэла таклифи

***Венесуэла давлати нефть қазиб олишни кунига яна бир миллион баррелгача қисқартириш таклифи билан чиқмоқда. Бу ҳақда ОПЕК (Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти)ка расмий мурожаат қилинган.***



Мамлакат нефть вазири Рафаэль Рамиреснинг айтишича, шу йўл орқали "қора олтин" нархининг жаҳон бозорида кескин тушиб кетиши олди олинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, ОПЕК октябрь ойида нефть қазиб олишни кунига 1,5 миллион баррелга камайтириш тўғрисида қарор қабул қилганди. «Reuters» агентлиги хабарига кўра, Венесуэла таклифи декабрь ойида бўладиган ОПЕКнинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиши кутилмоқда.

### Чорак асрда кузатилмаганди

***Америкада кузатилаётган иқтисодий танглик ишсизлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда, деб хабар беради «Bloomberg» агентлиги.***



Маълумотларда келтирилишича, айни пайтда ишсизлар сони 481 минг кишига етган. Биргина жорий йилнинг октябрь ойида 200 минг нафар америкалик ўз иш ўрнини йўқотган. Бундан ташқари, кўплаб йирик ташкилотлар зарар билан ишлашга мажбур бўлмоқда.

«Moody's» агентлигининг таъкидлашича, ишсизликнинг бу даражада ортиши мамлакатда сўнгги 25 йилда кузатилмаганди.

* * *

***Польшада кузатилаётган иқтисодий инқироз сабаб йил охиригача мамлакатнинг 100 мингга яқин фуқароси ишсиз қолиши мумкин экан.***

Бу ҳақда «Polska» газетаси хабар тарқатди. Айни пайтда металлургия саноати, қурилиш, мебелсозлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларидаги аҳвол ёмон тус олган. Газетада келтирилишича, 2009 йил бошига келиб экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бир қатор фирмаларда ҳам ходимлар сони сезиларли даражада камайиши кузатилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг сентябрь ойида Польшадаги 236 та фирма 15,6 минг ишчиси билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишини маълум қилганди.

### Иш тўхтаб қолиши мумкин

***Берлин шаҳрида 30 мингга яқин одам радиостанция ёпилишига қарши намойишга чиқишди.***

«Deutsche Welle»нинг хабар беришича, иштирокчилар «Multikulti» радиоси ёпилишидан норози. Мазкур радио Берлин шаҳрида яшайдиган муҳожирлар учун эшиттиришлар тайёрлайди. Дастурлар немис ва хориж тилларида тақдим этилади. «Multikulti» мутасаддиларидан бирининг айтишича, радио иқтисодий тангликни бошидан кечирмоқда.

Агар йил якунигача ишончли ҳомий топилмаса, келгуси йилдан иш тўхтаб қолиши мумкин.

### «Газель» портлатиб юборилди

***Владикавказ шаҳрида «Газель» русумли автомашина портлатиб юборилди.***



Бу ҳақда «РИА Новости» хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, хунрезлик оқибатида 12 киши ҳалок бўлган, қирққа яқин одам тан жароҳати олган. Жабрланганлардан икки нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари мазкур иш террорчи гуруҳ томонидан содир этилганини таъкидлашган. Текширишда портлаш кучли қўлбола портловчи ускунани ҳаракатга келтириш орқали амалга оширилгани аниқланган. Жиноятчи воқеа жойида ҳалок бўлган.

Эҳтиёт чораси сифатида ҳудудда уяли алоқа хизмати ўчириб қўйилган.

### «Apache» ҳалокати

***Греция пойтахти Афинадан 85 километр узоқликда жойлашган Эвбея оролида мамлакат қуролли кучларига тегишли «Apache» русумли вертолёт қулаб тушди.***



Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Машғулотларни олиб бораётган «Apache» вертолёти кутилмаганда кузатиш радаридан йўқ бўлиб қолган. Вертолёт ерга урилган заҳоти портлаган. Воқеа жойида ёнғин юзага келган. Айни пайтда «Apache»нинг экипаж аъзолари тақдири номаълум бўлиб турибди.

### «Асал ойи» суратга олинади

***Сербия ва Албания мамлакатлари маданият соҳасида ҳамкорликни йўлга қўймоқда.***



«France Presse» ахборот агентлиги хабар қилишича, икки давлат кинематографлари биргаликда фильм суратга олишмоқчи. «Асал ойи» номли ушбу кинокартинага сербиялик Горан Паскалевич режиссёрлик қилади. Унинг продюсери ва сценарий муаллифи албаниялик Генк Пермети ҳисобланади. «Асал ойи»ни суратга олиш ишлари ҳар икки давлат ҳудудида олиб борилади.

Фильмга 1,5 миллион евро маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, у жорий йилнинг якунига қадар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Кундалик турмушимизни, қўйингки, ҳаётимизни сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, сув тириклик неъматидир. Хонадонларимизгача келиб турган оби-ҳаёт замирида қанчалаб кишиларнинг заҳматли меҳнати мужассам эканлигини, очиғи, кўпчилигимиз ҳар доим ҳис қилавермаймиз.***

# СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Аслида, сув иншоотларини яратиш, уларни жорий таъмирлаш, сувни тозалаб, уни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш, аҳолига етказиб бериш кўп меҳнат ва катта харажат эвазига амалга оширилади. Айниқса, сув танқислиги сезилган йилларда уларнинг кўлами янада ортади.

"Туямўйин-Нукус" минтақалараро сув тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси жамоаси ана шундай масъулиятли вазифани уддалаб келаяпти. Бошқарма томонидан ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасининг 20 дан зиёд шаҳар, туман марказлари, шаҳарча ва овулларига ичимлик суви етказиб берилади. Бу — Туямўйин сув омборидан Қўнғироту Тахтакўпиргачаястаниб ётган қарийб 577 километрлик масофа орқали савобли иш амалга оширилмоқда, дегани.




2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари марказларида истиқомат қилаётган 750,1 минг кишининг 539,9 минг нафари, яъни 72,0 фоизи марказлашган сув таъминотига эга бўлди. Шу тариқа бошқарма жамоаси жами 1640,6 километрлик магистраль сув узатиш тармоқлари бўйича хизмат кўрсата бошлади.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳар йили баҳор ва ёз ойларида ичимлик суви тармоқларида босим пасайиб кетиб, бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Чунки ўша кезларда айрим истеъмолчилар шахсий томорқаларини ичимлик суви билан суғориб, катта исрофгарчиликка йўл қўйишади. Бу ҳолат ичимлик сувига нисбатан эҳтиёж янада ошишига, дебиторлик қарзлари кўпайишига сабаб бўлади.

Корхона жамоаси бундай ҳолатларнинг олдини олиш, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик мақсадида хонадонларга сув ўлчаш ускуналарини ўрнатишаяпти. Унинг афзалликлари, тўловни вақтида амалга ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда Оролбўйи аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида "Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги" деб номланган ҳукуматимиз дастури доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 3 та сув тақсимлаш тизими ишга туширилди. 27 километрлик сув узатиш тармоқлари реконструкция қилиниб, 50 километр узунликдаги қисми янгидан қурилди. "Нукус" сув тақсимлаш иншоотида эса мамлакатимизда илк бор компьютерлаштирилган услубда бошқариладиган насослар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, сув узатиш ишини янада яхшилаб, электр энергияси сарфини қарийб 6 марта камайтириш имконини берди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**I.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 10 апрелдаги 11-0706/944-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Bolalar taomlari-holding» холдинг компанияси тугатиш бошқарувчиси томонидан, компанияга тегишли қуйидаги учта филиалларнинг мавжуд мол-мулклари, ҳар бир филиал алоҳида-алоҳида мулкий мажмуалар сифатида қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган, Янгийўл филиалининг мавжуд мол-мулклари. *Бошланғич баҳоси — 46 125 000 000 сўм.*
2. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳар, А.Темур кўчасида жойлашган, Ғазалкент филиалининг мавжуд мол-мулклари. *Бошланғич баҳоси — 31 590 000 000 сўм.*
3. Тошкент вилояти, Каттақўрғон шаҳар, Ингичка кўчасида жойлашган, Каттақўрғон филиалининг мавжуд мол-мулклари. *Бошланғич баҳоси — 30 285 000 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2008 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуалар 11 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 18 ва 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.***

**II.** Шунингдек, аукцион савдосига, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Yangiy'ol don maxsulotlari» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, жамиятининг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Чарикова кўчаси, 18-уйда жойлашган, мол-мулклари мажмуаси қўйилмоқда. *Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2008 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу мол-мулклар мажмуаси 10 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 18 ва 25 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувга асосан, ҳар бир савдо объекти бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

**Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел: 228-79-52.**
**www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

**Савдоларга марҳамат!**

---

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ**

**2008 йил 7 ноябрдан 15 ноябргача қуйидагиларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади:**

☑ **Бош кийим:**
госпиталь кепкаси (жокейка).

☑ **Тикув буюмлари:**
ёвшан, кўк ва денгиз тўлқини рангли кашне; танкчилар учун ёзги куртка ва шимлар; танкчилар учун қишки куртка ва шимлар; «тоғ тоши», «соя» рангли қишки дала костюми (парка), бошқа мутахассислар учун ёзги ип газлама куртка ва шимлар; қора рангли ип аралашган жунли қўлқоплар; госпиталь курткаси ва шимлари.

☑ **Оёқ кийимлари:**
генераллар учун мўйнали хром ботинкалар; молнияли қўнжи баланд ботинкалар; аёллар хром туфлилари; тоғ шароитида кийиладиган қўнжи баланд ботинкалар; махсус кроссовкалар; бахиллар (совуқ шароитда кийиладиган оёқ кийими).

☑ **Анжомлар:**
комбинациялаштирилган қозонча; комбинациялаштирилган қозонча учун ғилоф; офицерлар дала сумкаси; тантана ва байрамларда кийиладиган форма учун белбоғ (пояс); «тоғ тоши», «соя» рангли рейд рюкзаги; ухлаш учун қоп (спальный мешок) тагига солинадиган тўшама; нарсаларни солиш учун қоп; РД-54 десантлар рюкзаги.

☑ **Бошқа буюмлар:**
ҳожатхона қоғози; синтепон ёстиқ; ип газлама ўрин ёпинғичи (покрывало); болалар пахтали матраци; қуёш ва чангдан ҳимоялайдиган кўзойнаклар; ип газлама ёзги болалар одеялоси (покрывало).

☑ **Газламалар:**
ёвшан рангли жунли камволь «габардин» газлама; денгиз тўлқини рангли плашли газлама; «тоғ тоши», «соя» ва «қум» рангли ёзги камуфляж газлама; «тоғ тоши», «соя» ва «қум» рангли қишки камуфляж газлама; «тоғ тоши», «соя» ва «қум» рангли капрон газлама.

**Танловда иштирок этиш учун аризаларини қуйидаги манзилга юбориш лозим: 100000, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек к., 100-уй.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 269-88-54, 269-88-02.**

**Намуналар ва тижорат таклифлари 2008 йил 15 ноябрь куни соат 13.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шоҳ Жаҳон к., 5-уй (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳудуди).**

**Маълумот олиш ва намуналар бўйича қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: 253-64-71 (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тажрибачилик конструкторлик экспериментал маркази).**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПП-847-сонли қарорига асосан**

**«АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲА ЕЧИМИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР»**



**мавзусида республикамизда фаолият кўрсатаётган мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга бўлган барча лойиҳа ташкилотлари ўртасида 2008 йил 5 декабрдан 10 декабргача республика кўрик-танлови бўлиб ўтади.**

**Кўрик-танлов 2 та номинацияда ўтказилади:**

1. **Тураржой биноларининг ва комплексларининг архитектураси.**
Бу номинацияда қуриб битказилган тураржой комплекслари, тураржой бинолари ва якка тартибдаги уйлар кўриб чиқилади.
2. **Жамоат бинолари ва комплексларининг архитектураси.**
Бу номинацияда қуриб битказилган шаҳарсозлик комплекслари, умумфойдаланишда бўлган жамоат, ишлаб чиқариш ва бошқа мақсаддаги бинолар кўриб чиқилади.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо буюм мукофоти билан рағбатлантирилади.

***Кўрик-танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.***

Кўргазмали лойиҳа ҳужжатлари, тушунтириш хати билан биргаликда белгиланган тартибда 1 ноябрдан 1 декабргача бўлган (бир ой) муддатда иштирокчилар томонидан «Даврхитектқурилиш» қўмитасига тақдим этилади.

Лойиҳа ҳужжатлар 1x1 ёки 1x2 (метр) ўлчамдаги планшет ва подрамникларда тайёрланиши лозим. Кўргазмали лойиҳанинг асл нусхаси ёки уларнинг сурат нусхаси ҳамда тақдим этилаётган кўргазмали лойиҳа ҳужжатлари қайси номинация бўйича иштирок этиши аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим.

Тушунтириш хати 1 ёки 1,5 босма варақ ҳажмида бўлиши керак.

**Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг катта мажлислар залида бўлиб ўтади.**

**Кўргазмали лойиҳа ҳужжатлар «Даварxитектқурилиш» қўмитасига топширилади.**

**Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: 244-86-84, 244-00-60.**
***Мулоқот учун шахс — Дадабоев Адҳам.***

---

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2008 йил 16 майдаги 16-0804-2033-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Ас-Шах» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ҳисобидаги асосий воситалар ва мол-мулклар мужассам ҳолда (ички майдони — 27 038,4 кв.м., қурилган майдони — 27 116,57 кв.м., хоналар сони — 387 та) қўйилмоқда.**

**Бошланғич баҳоси — 9 450 000 000 сўм.**

Савдога қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлимидаги МФО 00223, ИНН 200933850, 20210000600571452072 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01.**
**www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

---

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ**

***2008 йил 7 ноябрдан 6 декабргача***

**муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун спорт костюмларини**

***сотиб олиш бўйича тендер ўтказилиши ҳақида эълон қилади.***

**Тендерда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун 150 000 сўмни Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.**

**Тендер таклифлари ва маҳсулот намуналарини топшириш, тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 100-уй.**

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 6 декабрь куни соат 12.00 гача.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 269-88-02, 269-85-77, 269-88-54, ички тел.: 68-69, 68-54.**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**марказий аппаратида**

**«Локал компьютер тармоғини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш, сервер ва компьютер жиҳозларини сотиб олиш ҳамда электрон ҳужжатлар айланиш тизимини жорий этиш»**

**лойиҳаси бўйича тендер танлови эълон қилади.**

Танловга компьютер технологиялари билан шуғулланувчи мамлакатимизда мавжуд бўлган барча компания ва фирмалар, шу жумладан, чет эл компания ва фирмалари ҳам қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2008 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 гача қабул қилинади.**

**Танловда қатнашиш, рўйхатдан ўтиш ва танлов ҳужжатларини олиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича мурожаат учун телефонлар: 244-28-14, 244-09-20.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй.**
**Электрон манзил: info@agro.uz**

***Танлов ҳужжатлари нархи — 250 000 сўм.***

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ф. Муҳиддиновга акаси
**Зоҳириддин МУҲИДДИНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари жамоаси таҳририят ходими С. Муҳиддиновга укаси
**Зоҳириддин МУҲИДДИНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси меҳнат иқтисодиёти ва аҳолишунослик кафедраси профессори Азамат Назаровга турмуш ўртоғи
**КИМЁХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси патологик анатомия, нормал ва патологик физиология кафедраси доценти
**Шавкат Исраилович РАСУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.

---

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси профессори Мусоқул Усмоновга падари бузруквори
**УСМОНҚУЛ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Энг гуллаган ёшлик чоғимда

Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонлари, халқаро фан олимпиадалари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

**Ислом КАРИМОВ**

***Мамлакатимизда истеъдодли ёшлар кўп. Уларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, кашф этиш давлатимизда устувор вазифалардан бири саналади. Президентимизнинг навқирон авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари боис, бугун турли соҳаларда ўзлигини намоён этаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, эртанги кунимизни ўйлаб, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.***

***"Энг гуллаган ёшлик чоғимда" саҳифасида илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш баробарида турли кўрик-танловларда иқтидорини намоён этаётган, халқаро спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида фахрланса арзигулик ютуқларни қўлга киритаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳақида ҳикоя қилиб борилмоқда. Тенгдошларининг дил сўзларини ўқиб, қалбида ҳавас ила эзгуликка интилаётган ўғил-қизларга эса омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.***



***2001 йили Украина пойтахтида "XXI аср санъати" бутунжаҳон пианиночилар танлови ўтказилди. Халқаро миқёсдаги ушбу танловда қатнашиш менга ҳам насиб этди.***

## Қалбим оҳангларга ошуфта

... Саҳнада берилиб фортепьяно чалмоқдаман. Ижроимдаги "Тановар" куйини тинглаётган томошабинлар завқи менга янада илҳом бағишлайди. Қизиғи шундаки, хорижлик мухлислар куйни кўзларини юмиб олганча, худди ўзимизнинг ўзбеклардай оҳиста-оҳиста тебраниб эшитишди. Сўнг барча оёққа қалқиб, мени олқишлади. Ўша лаҳзалар бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Бутун вужудим билан, қалбимдан ўтказиб куй чалгандим, ўшанда.

Юртимиз ва жаҳон миқёсида ўтказилган бундай танловларда кўп бор қатнашдим. Ушбу нуфузли тадбирларда қатор муваффақиятларни ҳам қўлга киритдим. Қирғизистон, Латвия, Украина, Қозоғистон, Россия, Франция, Руминияда бўлиб ўтган пианиночилар

**Санъат**

танловларида юқори натижаларга эришишда жуда кўп изланишим, меҳнат қилишимга тўғри келган. Минг шукр, ютуқларим сабаб санъат усталари назарига тушдим. Бир неча мамлакатларда дунё таниган мутахассислар қўлида мусиқа илмидан сабоқ олдим.

Ютуқларим ўз юртимда муносиб рағбат топди. Бундан уч йил аввал истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти билан тақдирландим. Сўнгра "Тасанно" мукофоти ва бошқа кўплаб нуфузли совринларга сазовор бўлдим. Ўтган йили эса иқтидорли талабалар учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиясини қўлга киритдим.

Шуларни ўйларканман, бир замонлар тенгсиз истеъдоди бўла туриб, юзага чиқа олмаган санъаткорлар ҳақида эшитганларимни ўйлайман. Ўзимнинг саккиз ёшдаёқ жаҳон саҳнасига чиққанлигим, йигирмага тўлмай туриб, дунё кезганим қалбимни ғурурга тўлдиради. Энг мукаммал шароитлар муҳайё қилинган Ўзбекистон Давлат консерваториясидек ўқув даргоҳида таълим оляпман. Бу менинг фахрим ва ифтихоримдир.

**Элеонора КОТЛИБУЛАТОВА, «Ниҳол» мукофоти совриндори.**



— Сенга қойил қолдим, дугонажон...

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

**Шижоат**

**Энг ёш, иқтидорли ўқитувчилар ҳақида гап кетса, Сурхондарёда дарров Иқбол Норбоевани тилга олишади. Иқбол Қумқўрғондаги 2-умумтаълим мактабида кимё фани ўқитувчиси. У "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" вилоят танловининг совриндорларидан бири. Илм-фан аҳли назарига тушган "Крахмал — табиат мўъжизаси" китобининг муаллифидир.**

## Муаллиманинг оҳанрабоси

...Тўққизинчи синфдаги Хўжақулов Илҳомжон тоши оғирроқ бола эди. Исмини сўраганларга ҳам ҳадеганда жавоб қайтаравермасди. Лаборатория машғулотларида муаллима Илҳомжонга оҳорланган оқ халат кийгизди. Ёқасига чиройли бўйинбоғ тақиб қўйди. Менделеев, Ёлқин Тўрақулов, Бутлеров сингари номи афсонага айланган кимёгарларнинг ҳаётидан унга ҳикоялар сўзлади.

Илҳомжоннинг қўри бор экан. Қўри яшнаб кетди. Кимёвий элементларнинг даврий жадвали ҳақида шеър ёзди. Унинг катта даврада ўша шеърини жарангдор қилиб ўқиб берганини кўрганлар Илҳомжон бир ёқда қолиб, унинг ёш устози — Иқболга тасаннолар айтишди.

Иқболнинг янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиши хусусида кўп эшитгандик. Унинг шундай дарсларидан бирини кузатамиз. Дарс бир қарашда мураккаб, аслида эса киши кўнглига сингиб кетадиган жозибали мусиқа асарининг ижросига ўхшайди. Ўқувчи Эшбоева Каромат ўтилган мавзу асосида кроссворд тайёрлаб келган. Самариддинова Ҳилола крахмал клеестри (бўтқа)сини тайёрлайди. Тошбоев Шерзод ушбу модданинг сифат реакцияси хусусида баҳс очади.

Муаллима шу зайлда ўқувчиларини илм хазинаси сари бошлаб боради. Шу боисми, бир соатлик дарс деб аталувчи шу қирқ беш дақиқалик сабоқдан биз ҳам кимё фани қанчалик сеҳрли тилсим эканлигини теранроқ англагандай бўламиз.



Иқбол Норбоева ўқувчиларига ҳафтада 30 соат ана шундай сабоқ беради. Сабоқлар сеҳри таъсирида улар танаффусга қўнғироқ чалинганини ҳам сезмай қоладилар. Биз эса ўйлаб қоламиз. Буни шунчаки сабоқ деса тўғримикан ё берилган катта имкониятдан фойдаланиб ўз ишига фидойиларча ёндашишга интилаётган, шогирдларига қалб ҳароратини қўшиб илм бераётган ёш муаллиманинг оҳанрабосими бу?..

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Ифтихор**

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар **10 миллион 360 минг** нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса **17 миллион 80 минг** нафарни ёки аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Бундай катта ва гуллаб-яшнаб турган кучга эга бўлиш — мамлакатнинг бахти ва имкониятидир.

**Туйғу**

## Мардлар юрти

*Мозийдан шивирлаб чинорлар айтсин,*
*Бир ажиб сукутда минорлар айтсин,*
*Бу кунни чин ёрлар, чин орлар айтсин,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Шаҳри Кеш, Самарқанд, Китобларим-эй,*
*Қалбимда жойлашган офтобларим-эй,*
*Эй сиз, айтилажак хитобларим-эй,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Муҳаббат оҳанги ол чечакларда,*
*Барчин садоқати келинчакларда,*
*Қанча Алпомиши беланчакларда,*
*Боболардан мерос мардлар юрти бу!*

*Дилсиз қайдасану дилсиз*
*қайдаман,*
*Сачраниб уйғондим, дилга*
*қайтаман,*
*Юлдузларга чиқиб қўшиқ*
*айтаман,*
*Боболардан мерос мардлар*
*юрти бу!*



**Ғайрат МАЖИД**

**Якинда иқтидорли ёшларга бағишланган тадбирлардан бирида қатнашдик. Саҳнага чиққан ёшларнинг билими, истеъдоди, маҳорати йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Улар орасида бир хорижлик йигитнинг борлиги эса диққатимизни тортди.**

## Орзулар оғушида

*— Исмим Фидель, — деди у ўзини таништириб. — Ҳозир Тошкентдаги ўқув юртларидан бирида таҳсил оляпман. Бу ерда яхши дўстлар орттирдим. Дарслардан бўш вақтда ўзбек дўстларим билан биргаликда спорт билан шуғулланамиз. Ўзбекистонлик ёшларнинг илмга чанқоқлиги, ўз устида ишлаши, чет тилини ўрганишга иштиёқи баландлигини кўриб, шижоатига қойил қолган бўлсам, уларга яратиб берилган шарт-шароитга ҳавас қилдим. Бундай ғамхўрликка муносиб бўлиш учун ёшларнинг тинмай изланаётгани эса, таҳсинга лойиқ.*

Фидель завқ билан сўзларкан, дунё ёшларини эзгулик бирлаштираётгани унинг гап-сўзларидан яққол билиниб турарди.

...1945 йилнинг 10 ноябрида Бутунжаҳон демократик ёшлар федерацияси (БДЁФ) "Бутунжаҳон ёшлар куни"ни нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан буён бу кун ҳар йили Ер юзида ёшлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи байрам сифатида нишонланади. "Бутунжаҳон ёшлар куни" дунё бўйлаб ёшлар ҳуқуқини таъминлаш, турли халқ ёшлари ўртасидаги аҳилликни

**10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни**

кучайтириш ҳамда ирқчиликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, ёшлар фаоллигини ошириш, улар билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Бунинг самарасини янгича дунёқараш ва тафаккурга эга ёшлар камол топаётганлигида кўриш мумкин. Зеро, йигит-қизлар ўз салоҳиятлари билан дунёни забт этмоқдалар, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этмоқдалар.

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабасиман, — деди ўзини Мирзоазиз Муҳиддинов деб таништирган йигит. — Инглиз, араб, рус тилларида эркин гаплаша оламан. Арабча билимларимни мустаҳкамлаш мақсадида Мисрдаги Қоҳира университетида ўқиб келдим. Хорижда кўплаб дўстлар орттирдим. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан биз, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, албатта.

Соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш мамлакат сиёсатининг устувор вазифасига айланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши ҳамда узлуксиз таълим тизимидаги уч босқичли оммавий спорт мусобақаларининг мамлакат миқёсида ташкил этилиши бунинг ёрқин исботидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ёшларининг баркамол бўлиб улғайишлари учун беқиёс имконият ва имтиёзлар мавжуд. Эзгу орзулар оғушида камол топаётган тенгдошларимизнинг мақсадларига эришмоғи буюк келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

## Хорижликларни ҳам мафтун этди

***Болалигимда момомнинг урчуғи пириллаб айланишини, ипакдан тикилган нақшинкор кашталарнинг гоҳ қизил, гоҳ пушти рангда товланишини завқ билан томоша қилардим. Ана шу ҳавас туфайли шолча, жойнамоз, хуржун каби буюмлар тўқишни, сўзана тикишни ўргандим.***

Зардўзлик ҳунарига, айниқса, меҳрим бўлакча. Айни пайтда "Анора — соғлом авлод" кичик корхонаси фаолиятини йўлга қўйдик. Ушбу корхонада ўттиздан ортиқ хотин-қиз ҳунармандчилик билан шуғулланмоқда.

**Ҳунар**

Корхонамиз маҳсулотлари миллий кийим-кечаклар бўлгани боис, ҳамиша харидорлар назарида. Зарчопону сўзаналаримиз келинчаклар сепини безамоқда. Бундан ташқари, тиккан буюмларимиз билан пойтахтда ўтказиладиган "Ташаббус", "Базарарт" сингари нуфузли танловларда, халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб турамиз. Натижада, маҳсулотларимиз хорижликлар назарига тушди. Ана шундай халқаро тадбирларда Германия, Италия, Испания, Россия, Франция сингари мамлакатлардан келган сайёҳ ва тадбиркорлар маҳсулотларимизни сотиб олиш мақсадида буюртма беришади.



Келажакда корхонамиз фаолиятини янада жонлантириш, маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш, шу орқали миллий қадриятларимиз намуналарини жаҳон миқёсида кенг танитиш ниятидамиз. Зеро, юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имконият яратилган. Касаначига йирик ҳажмда буюртма берадиган, ишни саноат асосида ташкил этадиган корхоналар сонини кўпайтириш бугунги замон талабидир. Биз, ёшларнинг изланувчанлик, ташаббускорлик ва янгиликка интилиш каби фазилатлар соҳиби бўлмоғимиз бу борада жуда ҳам муҳимдир.

**Анора ЭШНАЗАРОВА.**

## Юксак ишонч масъулияти

**Спортнинг гимнастика тури билан ўн саккиз йилдан буён шуғулланаман. Илк бор машғулотларга қатнай бошлаган кезларим анча ёш эдим. Ғалаба завқи нималигини, спортчи зиммасида ҳамиша шаън ва ғурур учун курашишдек масъулият туришини бугунгидек чуқур англамасдик.**

**Интилиш**

Кейинчалик халқаро мусобақаларда қатнашиб, мағлубият, ютуқ ва муваффақият нелигини билдик. Сидней ва Афина олимпиадаларида маҳоратимизни оширдик. Айниқса, бу йил Пекин олимпиадасидаги иштироким менга омад келтирди. Ушбу йирик халқаро беллашувда трамполин (батутда сакраш) баҳсларида 36,9 балл жамғариб, бронза медали билан тақдирландим.

Тан олиб айтишимиз керакки, бундай ютуқларга, биз, энг аввало, Юртбошимизнинг меҳр ва эътиборлари, юксак ғамхўрликлари туфайли эришаяпмиз. Мамлакатимизда ёшлар тақдирига бу қадар катта эътибор қаратилмаганида, энг чекка қишлоқларимизда ҳам болалар спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига ундаш мақсадида энг замонавий, муҳташам спорт иншоотлари барпо этилармиди? Бизнинг муваффақиятларимиз юрт келажаги учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги ана шундай эзгу ишлар мисолида намоён бўлмоқда. Биргина "Ёшлар йили" Давлат дастури вазифаларини бажариш йўлидаги юмушларга жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 702 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилганининг ўзиёқ бунинг яққол тасдиғидир. Демак, биздаги масъулиятни англаш ҳисси ҳам шу ғамхўрликка монанд бўлмоғи даркор.



**Екатерина ХИЛЬКО, Пекин олимпиадасининг бронза медали соҳиби.**

## Шоҳ, шоир ва... полвон

***Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, асли, полвонлар авлодидан деса бўлади. Унинг катта боболари — Соҳибқирон Амир Темур, унинг ўғли Мироншоҳ ҳам, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Абу Саид Мирзо ҳам жисмонан бақувват, отни мушт билан урганда довдиратадиган даражада кучли бўлгани тарихий манбалардан маълум.***

Бобур ҳам болалик чоғлариданоқ ниҳоятда соғлом, бинобарин, шўх табиатли, чапдаст йигит бўлиб ўсди. Бобурнинг жисмонан бақувватлиги, ҳавас қиладиган даражадаги соғлиғи бутун умри давомида унинг подшоҳлик фаолиятида, шахсий ҳаётида намоён бўлганини кўрамиз. У давлат ишлари билан банд бўлган чоғлари доно шоҳ, кундалик ҳаётда хушчақчақ улфат, яқин дўстлари орасида жисмоний бақувват йигит, қўшинда эса қўрқмас ва баҳодир саркарда сифатида тарихда қолган.

**Ибрат**

Қиш кунлари дарёда чўмиладиган кишилар ҳақида эшитганмиз. Бобурнинг эса 16-17 ёшида қаҳратон қиш кунлари Хўжандда Сирдарёнинг музини тешиб, бир неча марта сувга шўнғиганини кўп одам билмаса керак. Қизи Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида қуйидаги маълумотни келтиради: Бобур Ҳиндистонда Агра шаҳрини эгаллагач, хурсандчиликдан бўлса керак, қалъа деворига чиқиб, икки йигитни икки қўлтиғида даст кўтариб, девор устида югурган. Йигитлар, масалан, ўртача 75 килодан бўлса, демак, 150 кило юкни кўтариб, девор устида югуриш унча-мунча полвоннинг қўлидан келмаслиги аниқ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40